



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 11 (4513) 2019 ЙИЛ 15 МАРТ

ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Tashkent City халқаро бизнес марказига ташриф буюриб, конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши билан танишди. Мазкур иншоотлар қурилиши ўтган йил март ойида бошланган бўлиб, бугунги кунда муҳташам конгресс-холл ва 21 қаватли меҳмонхонанинг бетон-каркас ишлари низоҳасига етган. Ҳозирда металл конструкциялар ва коммуникацияларнинг монтаж қилиш, томи ёпиш, ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизга конгресс-холлнинг фасоди, хоналари ва йўлакларининг кўринишига доир лойиҳалар намойиш этилди.

Tashkent City бизнес-марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, рестороанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий комплекс бўлади. Бу ерда олий даражадаги

тадбирлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев конгресс-холлнинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши ва жиҳозланиши, меҳмонлар учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқди. Халқаро саммитлар чоғида қўллаб қўллаб делегациялар қатнашишини инобатга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Конгресс-холлнинг биринчи қавати замонавий дизайнда, иккинчи қавати эса классик услубда бўлиши зарурлигини таъкидлади. Йўлакларни юртимиз расмолларининг энг сара асарлари билан безатишни таклиф қилди.

Конгресс-холл ёнида қуриляётган меҳмонхонага оид лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Шу билан бирга, Президент Tashkent City яқинида қад ростлаган "Himo Arena" муз саройида олиб борилётган сўнгги пардозлаш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 февраль куни ушбу мажмуа лойиҳасини маъқуллаб, унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақтда мамлакатимиз шаҳарсозлигида янгилик бўлган кўп тармоқли спорт мажмуаси бунёд этилди.

Мажмуа Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесилишмасида, 9 гектар майдонда қурилган. Замонавий муҳандислик технологияларини уйғунлаштирган "Himo Arena" мажмуасидан 12,5 минг ўринли кўп тармоқли муз аренаси, 200 ўринли машғулотлар майдони, тренажёр зали, спорт музейи ва кўплаб бошқа объектлар ўрин олган.

Ҳар бири 60х30 метр ўлчамдаги асосий ва машқ майдонлари мусобақаларни халқаро талаблар даражасида ўтказиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яхши имконият яратади.

Мобиль ўриндиқлар спорт мусобақаларидан бундан ташқари, байрам тадбирлари ҳам мослаша олади. Бу ерда хоккей, шорт-трек, фигуралли учини, кёрлинг билан бирга баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, байрам тадбирлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиши учун ҳам шароит мавжуд.

Янги мажмуа мамлакатимизда спортни ривожлантириш, унинг қишқи турларини омаллаштириш, спортчилар тайёрлашни янги, халқаро даражага олиб чиқиш борасидаги ишларга кучли суръат бағишлайди.

Президентимиз мажмуадан самарали фойдаланиш, оммавий тадбирлар вақтида хавфсизликни таъминлаш, иншоот атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА ▶ 2

КИТОБ — ХАЗИНА

"Агар сиз фарзандингизга даниллама уй қуриб берсангиз — вақти соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз — уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва хунардир. Лекин билим ва маърифатни қасрдан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан".

Ш.М. МИРЗИЁЕВ



Үюшма фаолиятдан

Атоқли олим Озод Шарафиддинов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Гулистон давлат университетига ўтказилган адабий-бадий кечада адабиётшунос олимлар, адиб ва шoirлар, талабалар иштирок этишди. Талбирда устоз таржимон, адабиётшунос олимнинг ҳаёти ва ижоди акс этган фотокўргазма ҳам ташкил қилинди.

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шoirи Халима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг қурилишига тамал тоши қўйилди. Ушбу таълим муассасаси 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг август ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Маросимда вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда сирдарилик таниқли шoir ва ёзувчилар, ёш қаламкашлар, турли соҳа вакиллари иштирок этишди.

Жонрид Абдуллоҳовнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Адибнинг "Мактабдошларим", "Ҳикоялар", "Тўйга келинлар", "Тонг ёришган соҳилда" каби шеърӣ ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилди. Унинг "Гулчехра" (1962) кўссаси қурилиш-бунёдкорлик ҳақида эди. Адибнинг биринчи йирик эпик асари — "Йул" романи ҳам худди шу бунёдкорлик, инсон ташвишлари, ҳаёт кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади. Шундан сўнг муаллифнинг кетма-кет "Борса-келмас", "Хонадон", "Суиқасд" каби романлари чоп этилган.

"Тўфон" ишчилар синфи ҳаётидан ҳикоя қилса, "Борса-келмас" романида Орол денгизи муаммоси, она табиат муҳофаза масалалари ўз ифодасини топган. Адибнинг "Оҳ, ўша кўзлар" тўпламидан сўнгги йилларда яратган ҳикоялари, ҳангома ва хотиралари ўрин олган.

Наср кенгашининг 2018 йилдаги фаолиятига бағишланган ҳисобот йиллигида кенгаш аъзолари, наср йўналишида ижод қилаётган таниқли адиблар, адабиётшунос олимлар иштирок этишди. Йиллигини кенгаш раиси, ёзувчи Исажон Султон олиб борди. Академик Бахтиёр Назаров ва бошқалар бугун мамлакатимизда адабиёт ривожига, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга улкан эътибор қаратилаётгани, бу эса ўз навбатида, уюлма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириши, ёш истеъоддорларни излаб топиш, ўзбек адабиётининг дунё миқёсига чиқишини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

2018 йилда ёзилган роман, кўсса ва ҳикоялар ҳақида Бухоро давлат университети доценти Ғайрат Муродов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доцентлари Умида Расулова ва Дилмурод Холдоров маъруза қилди.

Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгашининг ўтган йил фаолияти якунига бағишланган ҳисобот йиллигида ёзувчилар, шoirлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар иштирок этишди. Профессор Муҳаммаджон Холбеков 2018 йилда таржимануослик соҳасида амалга оширилган ишлар, Муҳиддин Раҳимов ва Даврон Ражаб "Жаҳон адабиёти" журналинда чоп этилган шеърӣ ва насрий таржималар ҳақида, Ровияжон Абдулаева таржима ва таржимачиликдаги муаммолар, Рисолат Ҳайдарова ўзбек адабиётининг рус тилига қилинган таржималар ҳақида маъруза қилишди.

Марям ШАРИАТУЛЛАЕВА, "Дўстлик" ордени соҳибаси



Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, мазмун-моҳияти бутун умрга татийди. Мен эл севган адиб Одил ака Ёқубов билан ярим асрдан зиёд вақт давомида елкада, ханнафас, бир-биримизга суянч, мадад бўлиб, ширин ҳаёт кечирган, хизмат сафарларидан юборган хатларини қайта-қайта ўқиб оттирган тонгларимдан, фарзандларимни бағримга босиб йўлларига қараб ўтказган кунларимдан қанча рози бўлсам, кейинги ўн йил мобайнида ёзувчи хонадонининг чирогини ёқиб, фарзанду набиралари, чевараларига бош бўлиб ўтказётган кунларимдан ҳам розиман.

Адабиёт муҳлисига ўғлим Искандар билан ҳамкорликда тайёрлаган "Одил Ёқубов ҳақида хотиралар" китоби орқали яхши маълум бўлганидек, отасининг келбатини, савлатини, ақл-идрокини кўз ўнгимда намойён этиб турган тўрт азамат ўғлим, келинларим, қўша-қўша неварачеваралар қуршовида, ардоғида, халқимизнинг бугунги тинч ва осойишта турмушига шукрона айтиб яшаётганимдан бахтиёрман. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилаётган тантанали кечага улғу ёзувчининг рафикаси сифатида мени ҳам таклиф этишгани, муҳтарам Президентимиз кўксимга "Дўстлик" орденини тақиб қўйгани қувончимга қувонч қўшди.

РАҒБАТ КҮЧ БАҒИШЛАЙДИ

Ханифа МУСТАФОЕВА, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Авалло, мен бугун мамлакатимизда маънавий муҳит барқарор изга тушиб, инсон қадри ҳар жиҳатдан улғунётгани бос Яратганга шукрона айтаман. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида миллий адабиётимиз равнақига бетақрор ҳисса қўшган атоқли ижодкорларнинг муҳташам ҳайкаллари ўрнатилгани, Нукус, Жиззах, Қарши, Фарғона ва Андижон шаҳарларида элимиз ардоқлаган марҳум шoirу адибларнинг ижод мактаблари очилгани ана шу умидбахш муҳитнинг мевасидир. Турмуш ўртоғим — Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов ўз ижодини халқига, эл-юртининг равнақи, эрк ва озодликка эришиши, истиқлолни мустаҳкамлашга бағишлаган фидойӣ инсон эди. Шoir тириклик чоғида халқимиз ва давлатимизнинг эҳтиромини кўрган бўлса, эндиликда боқий умри давомида ҳам шундай эъзозу эътиборга сазовор бўлмоқда. Илоҳим руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.



ЮКСАК ЭЪТИБОР

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан биз — истеъдоди, меҳр-муҳаббати, кучини Ватанига, халқига бағишлаган фидойӣ адибларимиз Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Муҳаммад Юсуфларнинг аёллари Шарофат Қўшбоева Гулчехра, Воҳидова, Ханифа Мустафоева, Улмасой Хошимова, Марям Шариатуллаева ва менинг "Фидокорона хизматлари учун", "Дўстлик" ордениларига муносиб қўрилганимиз Президентимиз томонидан кўрсатилган олий ҳиммат бўлиб, қанчалар катта аҳамиятга эга эканини ҳеч ким бизчилик ҳис этолмас керак. Бу эътирфони эшитган лаҳзаларда сеvimли шoirим билан ўтган камтарона, бахтли ҳаётим, уларнинг вафотидан кейин чеккан заҳматларим бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Энг қувонарлиси, ижодкорларнинг нафақат ўзлари, балки уларнинг ёнида елкама-елка турган, дарду ташвишларига шерик бўлган аёлларининг улғуланиши юртимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор намунаси. Бу мукофот бизга янада куч-қувват, ғайрат бағишлайди. Келгусида юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиш, бор билим ва тажрибамизни адабиётимиз ривожига, ватанпарвар, маърифатли ёшларни тарбиялашга бағишлаш оналик, қолаверса, шундай улғу Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Назира САЛОМОВА, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси



“HUMO ARENA” — БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ

Тошкентнинг қоқ белига бамисоли камардек ярашган Анҳор бўйида қисқа муддатда қад кўтарган “Humo Arena” саройи бугун меҳмонлару мезбонлар, санъат ва спорт ишқибозларини бағрига чорлаётир. Яқин ўтмишда ўз даврининг энг улкан қурилиши ҳисобланган Тошкент метроси лойиҳадан то ҳаётга татбиқ этилгунча ўн йиллар кутишга тўғри келганди. Бугун эса, бир йил ҳам ўтар-ўтмай қад ростлаётган улкан кўприк ёки йўл ўтказгич дейсизми, бутун бир янги турар жой мавзеси ёки саҳроларни кесиб ўтган неча юз километрли темир йўл дейсизми — бунёдкор халқимиз иродаси, улуг ниятли замондошлар жасоратини яққол намоён этаётир.

Хумо қуши тимсолидаги мажмуани барпо этишга жаҳон меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари ва инновацион технологиялар асосида ёндашилган тўғри қурилиш жадал олиб борилди. Халқимиз Хумо қушини эзгулик рамзи, бахт ва фаровонлик тимсоли сифатида қадрлайди. Шу маънода ёшларнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига хизмат қиладиган, бир йўла спорт беллашувлари ва санъат томошалари ўтказиладиган улкан саройнинг Хумо қуши номи билан аталишида катта ҳикмат бор.

Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилган мазкур арена маҳорати ва муҳташамлиги, меъморий жозибаси ва мавжуд шарт-шароитлари билан пойтахтимизга узукка қўйилган кўздеқ ярашди. Иншоот лойиҳаси Жанубий Кореянинг “Heerim Architects & Planners” компанияси томонидан австриялик ва россиялик лойиҳачилар иштирокида яратилган. Қурилиш ишлари Сингапурнинг “Enter Engineering” ва бошқа хорижий компаниялар томонидан амалга оширилди. Кўп тармоқли мажмуа ўн икки минг беш юз ўринли томоша зали, уч юз ўринли кичик машқ майдони, спорт музейи, турли машқ заллари, фитнес маркази, мингдан ортиқ машинага мўлжалланган кўп қаватли автомобиллар тўхташ жойини ўз ичига олади. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метрдан иборат олти қаватли иншоотнинг энг баянли нуқтаси қирқ метрни ташкил этади. Мажмуада ўт учирини, совутиш тизимлари, ёритиш, ҳаво алмаштириш, иссиқлик манбаи каби муҳандислик тармоқлари тўла автоматлашган ҳолда тежамкор технологиялар асосида ишлайди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил июнь ойи бошида мазкур қурилиш билан танишганда бу каби замонавий спорт иншоотларининг бар-

Муз саройини фойдаланишга топшириш арафасида сўнгги ишлар билан танишар эканмиз, ўнлаб қурилиш ташкилотлари, лойиҳачи ва ободонлаштирувчилар, ҳашарчилар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга тўғри келди. Бугун сарой айланаси бўйлаб мармар кошнлар билан зийнатланган айвонсифат шохсупадан атрофдаги манзара жуда гўзал кўринади. Янги қиёфа касб этган Бешёғоч кўчаси, Анҳордан обихаёт олувчи катта канал ва унинг ёқасига экилган кўм-кўк санобар дарахтлари, гулу гулзор майдонлар сарой билан яхлит меъморий ансамбль ҳосил қилганки, бу завқингизга завқ бўлади.

Бундай мўъжиза саройини барпо этишда тер тўкиб меҳнат қилган қўлигул бунёдкорлардан бири — “Enter Engineering” компанияси қурувчи-муҳандиси Шўҳрат Арзевнинг қурилишдаги иштироки билан қизиқдик.

— Олти ой мобайнида саройнинг ички жиҳозларини ўрнатиш ва пардозлаш ишлари бажардик, — дейди у. — Мана бугун барча ишларни яқунлашмиш. Шундай мураккаб муҳандислик иншооти қурилишида ишлаш биз учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди.

Шўҳратбек Қандим газ-кимё мажмуаси қурилишида ҳам ишлаб, муҳандислик ускуналарини рисоладагидек ўрнатишнинг ҳадисини олган кўплаб замонавий ишчи-ёшларимиздан бири. Албатта, улар Ватанимиз ободлиги тимсоли бўлган улкан қурилишларда ўсиб-ўлғаяётганидан ифтихор қилишади.

Ўзбекистон пойтахтида шарқона шаҳарсозлик ва жаҳон меъморлик санъати ютуқларини ўзида мужассам этган яна бир гўзал мажмуа ўз эшикларини очаетир. Юртбошимиз меҳрию бунёдкор халқ сазоватини намоён этган бу гўзал обида Ватанимиз байроғини жаҳон узра сарбаланд қиладиган фарзандларга элимизнинг меҳр-муҳаббати тимсолидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” мухбири

РАҒБАТ КҮЧ БАҒИШЛАЙДИ



Давлатимиз раҳбарининг “Улкан олим ва ижодкорларнинг рафиқаси бўлиш осон эмас”, деб айтган сўзлари ҳам, назаримда, жуда кўп ёшларимиз учун ибрат ва сабоқ бўлади, деб ўйлайман. Негаки, ижодкор одам билан яшашнинг ўз қийинчиликлари, машаққатлари ҳам бўлади, албатта. Одил ака гурури баян, ориятли, бир сўзга, ўз ўрнида қат-

ота-оналар, уларга ўрнатилган бўлишимиз керак. Инсон ўзидан муносиб мерос, гурури, ориятли авлод қолдираганига ўтган умри бекор бўлмайди”, деб таъкидлардилар.

Уғилларим тимсолида оталарига муносиб шундай фарзандлар — умримиз давомчиларини камолга етказганимиздан ифтихор қиламан. Яқинда ўғлим, иқтисодчи олим Искандар Ёқубов отасининг адабиёт ва санъат, ижодкорлар ҳақидаги турли йилларда, матбуот саҳифаларида чоп этилган мақола ва публицистик чиқишларини “Одил Ёқубов. Сўз” номли китобга жамлаб, бир катта тўплам ҳолида чоп эттирди. Бу китобдан Одил ақанинг 1989 йили Кремль сьездлар саройида Бутуниттифок халқ депутатлари қурултойида мустабид тузумнинг нотантилиги боис пахта қулларига айланиб қолган ўзбек халқининг оғир машаққатлари рўй-рост очиб ташланган, зукко мунаққид Озод Шарафиддинов томонидан “Одил Ёқубов ҳаётининг юлдузли онлари”, дея эътироф этилган машҳур нутқи ва ижодкор дўстлари билан ёзишмалари ҳам ўрин олган.

Ўйлашимча, устоз адиб Одил Ёқубовнинг ижодий меросини адабиёт муҳлисига тўқис етказиш борасида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва рағбат бизнинг ана шу йўналишдаги ишларимизга куч-ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Халқимиз дўст оғир кунда билинади деганидек, Абдулла ака хорижда даволанаётган ва оиламиз бошига оғир муҳаббат тушган кунларда биз ҳар қадамда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мададини ҳис этиб турдик. У киши доно Юртбошига хос юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, Абдулла ака олис хорижда қамоқ қилган бўлса ҳам ўз Ватанида дафн этилишини ташкил қилганлари ўша кунларда қалбимизга таскин-тасалли бўлган эди.

Хозир қизларимдан бири Америка Қўшма Штатлари таълим тизими бўйича докторлик илмий ишини ҳимоя қилишга тараддул кўрмоқда. Мен ҳам яқинда ўша ёқда эдим. Кенжа қизим Рухсора телефон қилиб, Халқаро хотин-қизлар байрамига таклиф қилишганини айтиб қолди. Одатдаги тадбирлардан бўлса керак, деб ўйлаб, “Ўзинг қатнаша қол”, дедим. Бирок 4 март куни ўғлим Илҳомжон ҳам кўнгирик қилди: “Келмасангиз бўлмас экан, Сизни мукофотлашармиш”. Шундан сўнг ўзим ҳам соғинганим — Ватанга йўл олдим. Келгач, маъ-

лум бўлдики, муҳтарам Президентимиз Фармонига биноан “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим.

Ўзимни йғидан тиёлмадим: бутун ҳаётим, бахтли, бахтсиз дамлар, Абдулла ака билан ўтган кунлар, уларнинг қалб яраларига малҳам бўлишга интилганим, ижод машаққатларини енгишга кўмақдош бўлганим кўз олдимдан ўтди. Абдулла ака Ўзбекистон Қажрамони унвони билан мукофотланган дамларда ҳам шундай ҳолга тушганим. Меҳнатлари натижасини кўриш одамга бошқача таъсир қилар экан.

Хар бир ўзбек оиласида бўлгани каби аёллик бурчимни ўтадим — умр йўлдошимнинг иссиқ-совуғига қарадим, яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам доимо ёнида бўлдим. Бетоб бўлиб, қоғоз қоралашга мадори етмай қолганда, Абдулла ака шеърни оғзаки айтиб турардилар, мен ёзардим... Лекин улуг шоирга ҳамнафас бўлиш ҳам алоҳида эътироф этилишини, юксак мукофотга лойиқ қурилишини тасаввур қилмаганман.

Президентимиз орденини кўксимга тақар эканлар, қулиб: “Сизни Америкадан ҳам чиқиртириб олдимми?” деганлари менга жуда



КИТОБ — ХАЗИНА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимизнинг Наманган вилоятига бу галги ташрифи ҳам вилоятнинг иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида ёрқин воқеа бўлди.

Ушбу ташриф чоғида Юртбошимиз Наманганни республикамиздаги энг китобхон вилоятга айлантириш тақдирини ҳам ўртага ташлади. Бу эзгу ташаббус вилоят аҳли, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди. Хайрли ташаббуснинг амалдаги рўёби ҳам узок куттирмади. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан 25 минг дона китоб, мусиқа чолғулари ҳамда спорт-соғломлаштириш жиҳозлари орттилган “Маънавият қарвони” Наманганга қараб йўл олди.

Наманган азалдан азиз авлиёлар, олим шоирлар юрти бўлиб келган. Бобораҳим Машраб, Фазлий Намангоний, Исҳоқон Ибрат, Усмон Носир, Чустий сингари улуг алломалар, Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоири, ўзининг қомил илми, зукколиги ва фоллиги билан маориф вазири муовини даражасига кўтарилган Муҳаммадшариф Сўфизода ҳам шу тупроқда ўсиб-ўлғайган. Бугунги кунда ҳам Наманганда меҳнатсеварлиги ва бунёдкорлик салоҳияти билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаятган фидойий инсонлар кўп. Улар билан самимий суҳбат қуриб, кўнглига қулоқ тўтсангиз, бугунги кундан рози эканлиги, тинч-осойишта ҳаётдан, шаҳсан Юртбошимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзгаришлардан мамнуллиги ва энг муҳими, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганига ғувоҳ бўласиз.

...Ниҳоят, худди эртақлардагидек, йўл юрса ҳам мўл юриб, довои ошиб, гўзал масканларни, дарёю кўللари ортда қолдирган зиё карвони манзилига етиб келди. Наманган шаҳрида пойтахтдан келган таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорларни кенг жамоатчилик вакиллари, вилоят аҳли катта хурсандчилик билан, қарнай-сурнай садолари остида қутиб олишди. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг юз-кўзларидоги қувончни, шодиена кайфиятини тасвирлашга тил ожиз.

Шаҳардаги муҳташам Адиллар хиёбонида шу муносабат билан ташкил этилган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Маҳмудов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид

ва бошқа ижодкорлар Президентимизнинг ушбу эзгу ташаббуси ёшларимизнинг илм-маърифатга, китобхонликка, адабиёт ва санъатга, маданият ва спортга қизиқишини янада ошириш борасида қилинаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлганини таъкидлардилар.

Шундан сўнг — китоблар, мусиқа чолғулари ва спорт-соғломлаштириш жиҳозлари наманганликларга тантанали равишда топширилди. Эътиборли жиҳати, бу ерга келтирилган бадиий асарлар орасида сўз мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий, Ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий, вафо ва садоқат тимсоли Зулфия, устоз адибларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шўҳрат, Тоғай Мурод, Муҳаммад Юсуф, Иброҳим Фафуров, Анавар Обиджон, Эшқорил Шўкур, Энаҳон Сиддиқова, Иқбол Мирзо ва қардош халқларнинг улуг ижодкорлари Абдурахмон Жомий, Абай, Чингиз Айтматов, жаҳон мумтоз адабиёти буюк вакиллари китоб-

ларни ўрин олган. Бундай қимматли асарлар наманганлик китобхонларнинг кўнгли мулкидан жой олишди, шубҳасиз.

Мазкур китоблар кун давомида ўз манзиллари — шаҳар ва туманлар, олимпик қишлоқлар, маҳалла кутубхоналари сари йўл олди. Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди, мусиқа мактаблари мусиқа асбоблари, спорт мактабларига спорт анжумлари ҳам тарқатилди.

Шубҳасиз, Наманган вилоятида китобхонлики кенг тарғиб қилиш ишлари бундан кейин ҳам давом этади. Шу мақсадда “Гулшан диёр илҳомлари”, “Наманганлик фермер ва тадбиркорларнинг кутубхонаси”, “Китоб — меҳримиз тимсоли”, “Буюк тарихдан — буюк келажак сари”, “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан”, “Китобга қайтиб”, “Адабий телекўприк”, “Унутмас мени боғим” каби адабий-маърифий тадбир ва лойиҳаларни ўтказиш, йил давомида вилоятга бир миллион дона китоб етказиб бериш режалаштирилган. Бу каби эзгу лойиҳалар, албатта, ўз самарасини бериши, ёшларимизнинг маънавий-маърифий юксалишига катта замин яратиши табиий.

Жўрабек ЖАҲОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МАТБААЧИЛАР САРҲИСОБИ

Талбир

Миллий матбуот марказида “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компаниясининг ўтган йилги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан компания мутасаддилари қилинган ишлар хусусида атрофлича маълумот бериб, келгусидаги режалар ҳақида гапирдилар. Жумладан, айна пайтда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 70 га яқин марказий газета, 10 дан зиёд журнал чоп этилмоқда.


Корхонада ҳар йили 200 дан ортиқ номда, ҳамми адади 700 мингдан зиёд бадиий

китоб чоп этилади. “Шарқ” НМАК Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Кейинги пайтда корхона томонидан нашр этилган “Алишер Навоий қомусий луғати”, “Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Тиббиёт энциклопедияси” каби фундаментал адабиётлар, А.Қодирий, Ч.Айтматов, Шўҳрат, Э.Воҳидов, И.Фафуров, Т.Мурод, Г.Маркес сингари адиблар танланган асарларнинг муҳташам нашрлари, О.Ёқубов, Э.Аъзам, У.Азим,

С.Саййид, Э.Шўкур, И.Мирзо сингари адибларимизнинг китоблари чоп қилингани алоҳида эътироф этилди. Шу кунларда “Танланган асарлар” туркумида О.Шарафиддинов, А.Орипов ва Х.Худойбердиевнинг китоблари нашрга тайёрланмоқда. Компания тизимида фаолият юритувчи “Шарқ зибқори” китоблар савдо маркази ва унинг худудий бўлиmlари орқали янги нашрлар ҳамда кенг турдаги халқ истеъмол моллари мунтазам миқозларга етказиб берилмоқда.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ОСТАНАНГА ХУРМАТИНИҲ — ВАТАНГА ХУРМАТИНИҲДИР



Наврӯз газали

Наврӯз ила кенг олам, бу кавну макон янги,
Сойларда ажиб тугён, сувларда баён янги.
Гул баргига теккизсанг лаб бирла забонингни,
Гул барги бўлур хандон, лаб бирла забон янги.

Ҳар ёнда жаранг бергай гул рангию дил ранги,
Бир лола ифоридин бу кўҳна жаҳон янги.
Кўз бирла қароғингни жонимда ниҳон айлай,
Менга янги жон, сенга бу тахти равон янги.

Соҳилда кулол янглиғ лой талласа қалдирғоч,
Мусича билан саъва сайр этса қаён — янги.
Қалдига ет, эй бобдон, ҳар гулчаниким, такрор
Бу боғ ила бу бўстон бўлгай қачон янги?

Эврилса агар рўзгор эллик йилу эллик ой,
Эллик била эл янги, қирқ йилда қозон янги.
Тошқинсану шошқинсан умрим каби, эй дарё,
Эсиз, мен эскирдим, сен эрса ҳамон янги.

Ҳижрону фиқрларда эскирди менинг кўнглим,
Келгил, менга дил бергил, эй қоши камон янги.
Айём маҳал бергай, минг панду масал бергай,
Минг шеъру ғазал бергай бу давру замон янги.

Моҳи муаддаб, сарви шакарлаб

Мир Алишер Навоий газалига мухаммас

Нигоредур ажиб хушгўю хуштабъ,
Менга бир шундайин ой эрди матлаб,
Ишимни қилмиш ул гоёт мураккаб,
Қачон мактабқа ул моҳи муаддаб
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.

Ул ўлтургунча барча термулурлар,
Ўтургач эрса ичдан емрулурлар.
Неча бир нозанилар қоврулурлар,
Дегаж абжал, бошига эврдулурлар
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.

Кийикдай ўзию ҳам кўзи жайрон,
Изидин кўю кўча анбарафшон,
Кириб борса бу нозик инжа мижгон,
Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,
Чу олур илгига лавҳи музаҳҳаб.

Қошининг ёларига қўл уруши,
Хату холи, хаёлу ўй суриши,
Мени ўлдургуси бори туриши,
Нечукким, мактаб атфоли хуруши
Ғамидин халқ аро фарёду ё раб.

Ғамига неча йил тоқат берурмен,
Бу жонга неча минг офат берурмен,
Юзига ишқ аро оят берурмен,
Муаллим куллугига хат берурмен,
Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб.

Фалак бузмай туриб бунёди қасрин,
Киши кўнглига ишқ дарсини берсин,
Кейин ўз кўнглининг ҳолини кўрсин,
Дабистони фанола шурб дарсин
Равон қилмай эмассен аҳли машраб.

Сен, эй нозикниҳол, ингичка хонум,
Кўзингдек қора бўлмиш хонумонум.
Сенингсиз умру жоним — бори мавҳум,
Навоий ашқидин то шом анжум
Тўкар, чиққайму деб ул саъд кавкаб.

Азизим

Магар уйқуда юзунг кўргай эрдим,
Вале ҳажрингда кўздин учти уйқу...

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Тун шамоли эсмоқда. Юлдузлар жимир-жимир,
Дарахтларнинг сояси чайқалар шитир-шитир.
Дунёда армон ҳам кўп, валекин ором ҳам бор,
Ойнамизин япроқлар аллалар шивир-шивир.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Ой ҳам ботиб бормоқда. Тун ярмидан оғмоқда,
Сомон йўлидан нури елпигичлар оқмоқда.
Дунёда ҳижрон ҳам кўп, вале дийдор ҳам борлир,
Ойнамиздан эгилиб фарингалар боқмоқда.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Ўқинмагил, дунёда ким бу туйғуга етган,
Ким бу туйғуга етган — дарду қайғуга етган.
Ором олар бор олам. Сен ҳам тинчлан бир нафас,
Мену сендай дунёда ким бу уйқуга етган?
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Менинг туну қушларим кўзларингдан кинрикзор,
Сен менга интизору мен ҳам сенга интизор.
Уйқумда ҳам ўнгимда сезум қарашларингни,
Уйқунда ҳам ўнгинда зор-зор қарашларим бор.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Биз кўнгиладан тикладик бу қўшқу тахтимизини,
Шабнамларга чайганмиз ишқимиз, аҳдимизини.
Бир умр бедорликдан васли саодат излаб,
Эҳтимол, рўёлардан тоғаймиз бахтимизини.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Ҳаммаси изга тушар. Бир гап бўлар эртага,
Қулоқ солини, тинчланмиш ер усти ҳам ер таги.
Умримнинг афсуни ҳам афсонаси ўзингсан,
Сен — бедор ҳаётимнинг гўзал, мунгли эртаги.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Бу дунёда икки зор онайзор бор доим,
Бири — сенинг адоинг, бири менинг адоим.
Икки онайзорким, умри зор, бедор ўтгай,
Дуоларин ижобат қилсин охир Худойим.
Вақт кеч бўлди, тун ярим, уқлаш керак, азизим,
Тушлар дунёсини ҳам йўқлаш керак, азизим.

Ёшлик чоғида

Талаба укаларимга

Сен ғанимат бил мудом
барвақт туриб тонг чоғини,
Офтоб ёқмай туриб
тандир билан ўчоғини.

Ёшлик — фазлу камол,
онгу тафаккур чоғидир,
Берма бой ёшлик билан
фазлу камол, онг чоғини.

Нафса аҳли ҳар йўсинда
қондирулар нафсини,
Сен билим билан мудом
қондир кўнгли чанқоғини.

Маърифат аҳли билан
дил аҳли билсанг бир эрур,
Илму ишқинг бирла боғ
этгил ҳаётинг боғини.

Элу юртта қанчалар
меҳру матонатлар керак,
Сен садоқат бирла яшнат
элу юрт тупроғини.

Бу жаҳон, ёруғ жаҳон
ярми жаҳолатдир ҳамон,
Сен ёруғ этгил аниг
бир гўша ё пучмоғини.

Ўйлагин: олам азалдин
мисли пўчоқ бирла мағз,
Мағзи қайси — англагил,
ҳам англагил пўчоғини.

Битта ёнғоқ ичра қанча
мўъжиза бермиш Худо,
Мия ёнғоғи билан
чаққин илм ёнғоғини.

Ўрганинг

Лайли, Мажнун ўтиб кетган саҳролар,
Улар етган сукунатдан ўрганинг.

Беш оқшомлик шамол эрур ёшлик ҳам,
Атиргулнинг япроқлари нечун нам?
Нечук давлат эрур умр, нечук ғам?
Умр кўрган пурҳикматдан ўрганинг.

Ҳаёт эса гоҳ ош тутар, гоҳ қирмоқ,
Суйгандан ҳам, куйгандан ҳам сўрар бож.
Шифтингизга келган бир жуфт қалдирғоч
Тортган азоб-уқубатдан ўрганинг.

Бахту толе тилай сизга Оллоҳдан,
Йироқ юринг ёмонлик ҳам гуноҳдан.
Садоқатнинг рамзи Расулulloҳдан
Мерос бўлган муҳаббатдан ўрганинг.

Гапга чечан, эй оқила барнолар,
Ишқ боғида унган гулрайнолар.

Огоҳ бўл

Сахар туриб шукр қил,
Шабнамларга гапиргил.
Ўз кўнглингни сунургил,
Ўз уйингни сунургил.
Остонангни кўргилу
Ўз онангни фикр қил.
Кўрғонларинг, уйларинг
Меҳнату заҳматингдир.
Остонанга хурматинг —
Онанга хурматингдир.

Деворингга бир ғишт қўй,
Дарахтларни оқлаб қўй.
Бориб мазор бошига
Отангни ҳам йўқлаб қўй.
Бу дунёнинг кўрки гар
Боғу гулзоридандир.
У дунёга остонан
Отанг мазоридандир.
Остонанга хурматинг —
Отанга хурматингдир.

Туғишган уй деганда
Нечун кўзлар ёшланар?
Ватан меҳри, юрт меҳри
Остонанган башланар.
Бу дунёда ортингдан
Қолар ёруғ изингдир.
Остонангда кутган шу
Азиз ўғил-қизингдир.
Остонанга хурматинг —
Боланга хурматингдир.

Ватанлар бор — қуш учмас,
Тинчлик осмондан тушмас.
Сахар туриб фикр қил,
Тинч элнинг шукр қил.

Эзгуликка даргоҳ бўл,
Огоҳ бўлу огоҳ бўл.
Ойлар ўтар, йил ўтар,
Остонанган эл ўтар.
Остонанга хурматинг
Одамга хурматингдир.

Ўз бурчингни фикр қил,
Иносан-ку — шукр қил.
Ватан — бўйингдан қарз,
Кўчанга бир гул ўтқаз.
Токи файзу тароват
Ҳар уй, бинода бўлсин.
Ватан озода бўлсин!
Ватан озода бўлсин!
Остонанга хурматинг —
Ватанга хурматингдир.



Меҳр

Гуллар тўкиб баҳор кетар сўрингиздан,
Эрта-индин ой ҳам кетар қирингиздан,
Нима фойда кўнгилдаги қирингиздан,
Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.

Майсалар ҳам бир-бирига суйқалади,
Қаранг, ҳатто чумолилар тўй қилади,
Нечун ҳасад кўксингизда қуй чалади?
Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.

Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,
Таронани тоғорага қўшар ҳаёт.
Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўшар ҳаёт,
Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.

Келолмагай энди ҳаргиз тупроқ ёриб,
Отангизнинг мазорлари бунча гариб,
Опангизнинг изларини ўпинг бориб,
Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.

Дунёнинг бу паллалари топилмайдилар,
Эшиклар тун-кун очик, ёпилмайдилар,
Меҳр кейин дўконларда сотилмайдилар,
Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.

Келиб кетмоқ

Сахар туриб оламга боқ:
жилгалари равондир,
Чарақлаган тоғлар боши
шомга бориб тумондир.
Тойчоқларинг қаёндир
қулунларинг қаёндир?
Кўрганларинг ўзингники,
қўрмаганинг гумондир.

Инсон бўлиб бу дунёнинг
бозорини кўрдингми?
Зарлари ҳам зорларини
озорини кўрдингми?
Сахар туриб ўз отангинг
мозорига бордингми?
Борганларинг ўзингники,
бормаганинг гумондир.

Келиб кетмоқ ўйин эрмас,
саёҳат ё зиёрат,
Умр йўли заҳматлару
меҳнатлардан иборат.

Кўнгиларга кўрдингми бир
кўприкми ё иморат?
Кўрганларинг ўзингники,
қўрмаганинг гумондир.

Атрофингга қараб боргил,
англаб боргил йўлингни,
Кўз бўлсанг гар, қароғ деб бил
она Юртинг, элингни.
Бергил унга эътиқодинг,
меҳринг, жону дилингни,
Борганларинг ўзингники,
бермаганинг гумондир.

Булбул била гул қиссасидин
сўйлама менга,
Булбул била гулинг бутун
афсонаси бўлак.

Ҳар кимсанинг ўз шаъмию
парвосани куйгай,
Ҳар кимсанинг ўз шаъми ила
парвосани бўлак.

Кўнгил била ёр қўйда
йилларки югурдим,
Бул иккисининг хонаю
ҳамхонаси бўлак.

Инсон

Ё ғойиб ва ёким ҳозирдан тушар,
Ё пирдан ё ҳазрат Хизрдан тушар.
Инсон фақат бир бор тушар назарга,
Тўшса фақат бир бор назардан тушар.

Тандир

Дилга тандир шу тандир,
Дил тафтига тан — тандир.
Дил ёниб турмаса гар —
Бу не дил, бу не тандир?

Овоз

Аҳмад Зоҳир, ого, овозинг тирик,
Агарчи товушни кучоқлаб бўлмас.
Пичоқлаш мумкин дил кўшиқини, лек
Кўшиқини ҳеч қачон пичоқлаб бўлмас!

Баҳор

Не тошқинлар, тўлғонилар
Обизаранг сойдададир,
Ёш кўнгилар мисол гўё
у ҳам асал ойдададир.

Муҳбир

Бугун олам юзига тенг шивир,
Оламга тенг қўламдан хабар берар.
Бойчечак — баҳорнинг маҳсуси муҳбири,
Бор оламга қўламдан хабар берар.

Жамият

Жамулжамдир ҳар ниятдир,
ҳар жиҳатдир,
Ҳамжиҳатлик, ҳамниятлик
жамиятдир.

Устоз шеърига

Биринчи муҳаббатим,
Оғир дил, муҳаббатим:
Биринчи муҳаббатим —
Охирги муҳаббатим!

Кера ва буғун

Кечаги кун эртанг эди,
Бугун энди у кун бўлмас.
Эртанг эрта бугун бўлар,
Эрта эса бугун бўлмас!

СЎЗМУНЧОҚ

ШОИРНИ ХОШИРАЛАБ

Инсонни қадрлаш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни ёд этиш одамлиликнинг эзгу фазилатларидандир. Токи бу туйғулар бардавом экан, одамлар ҳаёти маънави кечади.

Қариш туманининг Араловул қишлоғида таваллуд топган Исмоил Тўхтамишев сўзга меҳри, ихлоси баланд, элнинг қорига ўзини мададкор айлаган Қашқадарёнинг муносиб фарзанди эди.

Унинг "Қўл бойчечаси", "Жоним муҳаббат", "Онама тиллаклари", "Учмас хотиралар", "Сийпантош", икки жиддли "Сайланма" китоби, вилоятимиз санъаткорлари ҳақидаги мақолаларини жамлаган "Бу гулшан саҳнида" тўпламлари кўпчиликка манзур бўлди.

Исмоил Тўхтамишевнинг ёзувидаги бири-биридан сара, содда ва салиҳий шеърлари, бадиалари, ўйламанки, дилларга ҳали узоқ йиллар завқ улашади. "Маънавият сарчаси", "Насафнинг ҳадис мактаби", "Абадият йўли", "Тўй", "Маданият иймондан бошланади", "Ихлос", "Виждон тарозиси", "Тоғиб, дўст тутинаман" сингари бадиалари ҳамон маданият ва маънавият тарғиботида хизмат қилаётган.

Қуйида Исмоил Тўхтамишев қаламига мансуб шеърларни ўқиб, юқорида айтилган фикрларга ўзингиз ҳам иқрор бўласиз, деган умиддамиз.

Дамин Тўраев, филология фанлари доктори



Майли, Сиз деб аламлар ютсам, йўлларга зор термулиб кутсам. Хуснини кўйлаблар ўтсам, Мазмуларга тўлар келажак, Сизга фақат термулмоқ керак.

Зағ

Ҳолини билганин дейдилар "Ҳормас", Ҳадди сизмай ишинг олдиға бормас. Меъёр бузилмас ҳаётга, зинҳор, Ҳар қандай дардга ҳам топилуғуси кор.

Тоғу тош мангуга иччилган қасам, Чек бордир ҳаттоки виқорликда ҳам. Мозийлар сасига қулоқ тутгум жим: — Устун бўлмагандир дунёга ҳеч ким.

Ҳақиқат кўзига боқа ол тикка, Ҳирс қўйма ҳеч қачон шонга, бойликка. Ҳаётнинг мезони — ҳақиқат, Ҳаётнинг мезони — ҳақиқат, Ҳаётнинг мезони — ҳақиқат.

Камтарлик, хоксорлик толедан тортиқ, Мақтов ҳам панд берар ҳаддидан ортиқ. Манманлик, киборлик ҳаддан ошмасин, Ҳазаб чегарадан минбаъд тошмасин.

Дўстликни куйлаган Айтматов издоши



Дўстликни мустаҳкамлаш, ёзувчи, шоир, олим, санъаткорлар ҳамкорлигини жонлантириш ва бу борада тизимли фаолият олиб бориш мақсадида икки давлат зиёлиларини бирлаштирувчи "Ўзбек-қирғиз зиёлиларининг бирдамлиги" маданий ҳаракатини тузиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Халқаро адабий алоқалар

верситетда уюштирилган ўзбекистонлик таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоевга бағишланган хотира кечасида иштирок этиб, икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтириш мавзусида маъруза қилди.

Камтарин инсон, таниқли ижодкор, умрини инсонпарварлик ва дўстликни куйлашга бағишлаган Марқабай Ааматовни "Қирғизистон халқ шоири" унвони билан қутлаб, ижодий ишларига улкан зафарлар тилаймиз.

Бегижон АХМЕДОВ, Қирғизистон Ёзувчилар миллий иттифоқи Евроосийё ижодкорлари гильдияси аъзоси

Бишкек шаҳри

Исмоил Тўхтамишев

Эртага кеч бўлиши мумкин

Бу ҳисобли дунёдир, ахир, Эртага кеч бўлиши мумкин.

Ўртамасин рашк, ҳасад жонинг, Судрамасин лаҳзаю онинг, Яхшилик қил бўлса имконинг, Эртага кеч бўлиши мумкин.

Нур таратар нақшин олма юз, Забт айлағай икки шаҳло кўз. Табиатнинг мўъжизаси сиз, Қиндан чиқар кўрганда юрак, Сизга фақат термулмоқ керак.

Ял-ял ёнар лола ёноқлар, Гул баргидек нафис бармоқлар. Учмоққа шай қошлар, қабоқлар, Уз қоминга тортади тилак, Сизга фақат термулмоқ керак.

Ўтмай қолса кўзинг нарига, Қулаш мумкин жарлик қаърига, Бу қуларнинг етгин қадрига, Эртага кеч бўлиши мумкин.

Алмашади баҳорлар, қишлар, Барҳам топар мушкул ташвишлар, Улгур қилиб савобли ишлар, Эртага кеч бўлиши мумкин.

Жой олмасин дилинган қаҳр, Ўз-ўзиндан қилма кўп фаҳр,

Ушбу номдаги романнинг қаҳрамони кўрган-кечирганларини ўз дил розининг аввалидаёқ "телеграм орқали хат ёзиб" баён этишини сабабини шундай изоҳлайди: "Бир ҳисобда шуниси яхши: ёзаётган одам мақбул сўз қидиради, фикрини чиройлироқ ифодалашга уринади, кечмишини таҳлил қилади, қолаверса, суҳбатда айта олмайдиганларини хатда бемалол ифодалаш имкони яралади — бу жуда соза!"

ҳақиқатни теранроқ англайди гўё: "Мусофирлик бу — ўз ихтиёринг билан келиб, ўзгалар ихтиёри билан яшайсан дегани". Асар равон ўқилади. Унда воқеликка мос мақолларни учратасиз: "Мусофирнинг нафақат думи, тилиям қисик", "Қўпчиликнинг қозони барақа пиширади". Шунингдек, асар мазмунини очиб юборадиган кўплаб чиройли ибораларни ўқийсиз: "Бозор шайтоннинг айвони, ҳамма фириб шу ерда", "Келин кўйлакнинг нархи бойвуччани капалакдек қитқиласа,

Фиръавндек давр суриб яшасанг ҳам қаноатинг бўлмаса, бадбах-лигингча қулоғингни ушлаб кетаверасан". Ҳаётнинг мезони — ҳақиқат. Ўзининг минг бир азобда топган маблагини эзгу — хайрли, савобли ишга — ноҳақ қамалган валинеъмат кишини озод қилишга уринган Бону аччиқ ҳаёт манзарасига дуч келадик, бу нарса зукко ўқигувчида-да таниш: "У жуда катта одам... (5000 \$), ўғилчасининг тугилган кунини Ҳавайи оролларида ўтказди. Сиз билан менга чегирма қилиб

каби қалбга ҳузур олиб қиради. Яна шундайлари ҳам борки, дил малҳами бўлган — ҳақ йўлни, адолатни қадрлашга ўргатади, чин сўзни, ёлғон, шубҳа-ю гумон ва юзакни пардадан холи — асл воқеликни аңглатади. Иқбол Мирзонинг "Бону" романи ҳазрат Навоий айтган "Хирадманд чин сўздан ўзга демас, Вале бори чин ҳам дегулик эмас, Киши чинда сўз деса зебо дурур, Неча мухтасар бўлса, авло дурур" ҳикматиға амал қилиб ёзилгандай. Бу асарда энг ёққани, кўнгилга ҳаяжон солгани бу — ҳаёт, реал воқеликнинг акс этгани. Асарнинг манзур жиҳати шуки, у ўқувчини бепарқ қолдирмайди. Бону — ким унчундир сингилдай, яна кимгадир суюқлисидай, ким унчундир опадай яқин бўлиб қолади. Ёзувчи бир қарашда ҳаётнинг ҳақиқатини ва яна бир қарашда эса Арасту ҳақимнинг бадиият қонунияти — "катарис"(изтироб воситасида кўнгилни поклаш)ни ёдга солади:

Тананга оргиқ хўс этсанг, демакки сен тирик жонсан, Ўзгалар оргиғин сезсанг, демак инсонсан, инсонсан!

Асар "катта-катта ҳажмдаги" телеграм-хабарлар шаклида тартибланган бўлса-да, бу янги усул мавзуну тўла ёритишга халал бермаган. Одатда, дилга яқин асарнинг ўз ички муносибати — ритми, оҳанги бўлади. Шу жиҳат китобхон зехниятида ўрнашиб, мутолаа завқини оширади. Мазкур ҳазин кечмишлар мутолааси давомида мумтоз шоиримиз Ҳўжаназар Адабийётунос сифатида асарнинг нуқсон ва камчиликлари ҳақида сўз юритишим ҳам лозимдир бўлди. Лекин бу асар, фикри оқимича, ҳаётдаги бир ижтимоий фожиани бутун кўлами билан яққол, жуда таъсирчан ва бадиият талабларидан оғишмай очиб бера олгани мен учун муҳимроқ туюлди.

Ҳошимжон АХМЕДОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

ТЕЛЕГРАМ РОМАН

хусусиятларини ўзида акс эттирган. Асарда "бозор иқтисоди", "глобаллашув" каби атамалар тавсифланган давр — ҳаётда, одамлар тақдирда кечаётган туб бурилишлар, эврилишлар замони ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳаётимиз неча маротаба турланди. Турмуш пучмоқларида аёлларнинг руҳиятида-ботинида нималар рўй берди? Таниқли шоир Иқбол Мирзонинг "Бону" романи ("Шарқ" НМАК, 2018) ана шулар ҳақида сўйлайди. Бу асардаги воқеалар баайни ҳақиқат, уни ўқишли қилган жиҳат — ҳаққонийлигида. Турмуш заҳматлари, тирикчилик ташвишлари кўчага — четга чиқишга мажбур қилган сулув бир қизнинг "оқдард"га йўлиқиб, еттинчи осмондаги парипайкардан бир зумда ерга тушиши, эътибордан қолиши, нафратга учраши, дардиға дармон излаб торган азоблари, алақубат тирикчиликнинг тошдан қаттиқ ташвишлари ортидан минглаб қаҳирим узоқларда, бегона юртларда саргардон юришлари — буларнинг бари зийрак китобхонни бефарқ қолдирмайди. "Сочим олингандан кейин икки кўзим ости ҳам оппоқ доғ бўлди...Ун икки кун ётиб "кафолатланган муолажа" олдим. Яна бошимни қиришди, ҳар кун вакуумга солиб, нур билан аввал уч, кейин беш, ва ниҳоят ўн дақиқагача нур билан куйдиришди..."



мендақаларни чаёндек қақиши тайин эди". Асар қаҳрамонининг салкам уч юз саҳифадан зиёд ҳаяжонли кечмишлари баёнидан сўнг саргузаштлари ҳам чиройли бир ибора билан яқун топган: "Худодан амр бўлса, мўъжиза муддатти киприк қоққандай ган". Одатда монолог бадиий асар очкичларидан бири вазифасини ўтайди ёки бирон қаҳрамон феъли-саҳиясини ёрқинроқ очкичга хизмат қилади. Ноҳақлик, адолатсизлик, хиёнат каби иллатлардан безиб, ибодатда умгузаронлик қилаётган Хувайдо бобонинг дил сўзлари китобхон шуурида муҳрланиб қолади, уни мушоҳадага ундайди: "Уйландим, рўзгор топмадим, фарзанд кўрдим, ота бўлмадим, кўзим қўрди, қўлим тутмади, саксондан ошдим у яшаганим йўқ" деганлари мен бўлсам керак. Лекин навмид эмасман. Аллоҳнинг висолидан умидим бор, кўп қатори қудуқ ёнида сочилган ризқдан баҳрамандман, бировдан тамам йўқ, талашадиган нарсам йўқ, беғаразман, тўрт мучам соғ, дилмида қаноат ва сабр ҳоким... ҳа болам-а, бу оламда минг йил

Китобингизни ўқидим

аскарнинг важдатидан кўрқиб, ҳеч нима дея олмабди ва воқеани устозига айтиб берибди. Шунда устоз у ноқаборга бир тош отиб келишни буюрибди, шогирд буну қилолмагач, бир аччиқ сўз айтиб келишни айтибди, уни ҳам қилолмагач, дилозорга бир ёмон кўз билан қара, дебди. Учинчи марта борганда қараса, суворийни илон қақиб ўлиб ётган эмиш. Устоз дебди: "Бир кўза сув учун битта инсоннинг ўлимига сабабчи бўлдинг. Ҳеч бўлмаганда уни сўқиб ҳуморинг босилганда унга нисбатан Аллоҳнинг газаби бироз пасайган бўларди. Худо аскарнинг гарданидаги ҳаққингни унинг жонига қўшиб олди", деган экан. Одатда, бадиий асар турли мақсадларда яратилади. Бири — ҳаёлот, фантазияни кенгайтиради, бошқаси узоқ мазийдан сўйлайди, яна бошқаси эртак

ҚИММАТЛИ ЛУҒАТ

Шарқда қадимдан луғат ва қомусларга эътибор катта бўлган, деб ёзган эди таниқли олим, филология фанлари доктори, проффессор Нажмиддин Комилов истеъдодли тадқиқотчи олим Бахтиёр Омон томонидан таржима қилиб, нашрга тайёрланган "Ғиёс ул-луғот" китобига ёзган сўзбошида.

Зиёлиларимиз орасида муътабар ҳисобланган луғатлардан бири "Ғиёс ул-луғот"дир. Бу асарнинг муаллифи Муҳаммад Ғиёсиддин ибн Жалолиддин ибн Шарофиддин ўтган аср бошларида Ҳиндистоннинг Ромпур шаҳрида туғилган. У донишманд киши бўлган, араб, форс, ҳинд ва туркий тилларни билган. Муҳаммад Ғиёсиддиннинг бошқа илмий асарлари ҳам бор, ammo унинг номини "Ғиёс ул-луғот" (қарийб 18 минг сўзга шарҳ ва изоҳ берилган) дунёга машҳур қилди. Луғат Ҳиндистон, Покистон, Эронда қарийб йигирма марта нашр этилган, устод Садриддин Айнийнинг айтишича, Бухоро мадрасасидаги 20 минг талабанинг қўлида айнан шу луғат бўлгани китобнинг қадр баланд бўлганидан гувоҳлик беради. У Асад Тусийнинг "Луғати форсий", Хусайн Инжунинг "Фарҳанги жаҳонгири", Рой Тежанд Баҳорнинг "Ажами Баҳор", Хусайн Вафойийнинг "Фарҳаннома", Абдурашид Таттавийнинг "Фарҳанги Рашидий", Алихон Орзунинг "Чароғи ҳидоят" луғатлари қаторида ҳамон тарихчилар, шарқшунослар, илм-маданият аҳлига беминнат хизмат қилиб келаётган.

"Ғиёс ул-луғот" — изоҳли, тафсирий луғат, форсий тилда содда ва равон ёзилган: муаллиф айрим атамаларни кенг тушунтиради. Масалан, "аруз", "истиора", "маъно", "муסיқа", "иклим", "олам" каби сўзларга ёзган шарҳлари яхлит бир рисола даражасида, дейиш мумкин. Унда арабий, форсий сўзлар билан бирга, ўнлаб туркий сўзларга ҳам изоҳ берилган. Ўрта Осиёнинг жой номлари, атоқли кишилари ҳақида бой маълумотлар келтирилган. Бу борада Муҳаммад Ғиёсиддин ўзига яратилган луғатлар ва манбаларга суянади, шу боис унинг шарҳ ва изоҳлари илмий жиҳатдан гоят қимматлидир. Қуйида "Ғиёс ул-луғот"да айрим сўз ва атамалар изоҳини ўқийсиз.

А Авлиё — қаробат дўсти ва яқини, Оллоҳ таолога яқин зот. Айнулҳаёт — оби-ҳаёт томчилари. Айём — форсийда мутлақ вақт, замон, фасл ва мавсум. Албоб — илмли, билимдон. Алим — дардли. Алфия — наҳв ва сарф илмига оид минг бетлик китоб. Амнат — қанизак, уммат шаклида келганда — одамлар гуруҳи; анбиёлар пайрови; миллат маъносини ҳам билдиради. Амри маъруф — яхши ишларга чорлаш. Амсол — машҳур, гўзал дostonлар. Ангор — тасаввур, хаёл. Аъшор — асли ушр, маъноси бир нарсанинг ўндан бир улуши демек. Аё — афсус, нидо.

Б Бадиҳа — бехосдан келган фикр, ногоҳоний воқеа, ўша ондаёқ ўқиладиган шеър масал. Бадиий — аввали ва биринчи. Бадоёеъ — янги пайдо бўлган нарса, ажойибот. Байъат — фармонбардорлик қилиш, аҳд-паймон, ихлосини дўстига баҳшида этиш, мурид бўлиш. Баннот — қизлар маъносиди. Басират — сўфийлар тилида дил биноси, яъни донолик ва зийраклик. Барий — пок, гуноҳсиз. Боб — арабчада дарвоза ва китоб, туркчада ва форсчада китобнинг номи. Бохтар — мағриб маъносиди келади. Қуёшни, баъзида балиқни шундай атайдилар. У Хуросан мамлакатининг номини ҳам билдиради. Бостон — қадим, ўтмиш, қўҳна. Бозаргон — савдогар. Болиға — қомила. Бўхрон — улуг тўнтараш, табиатдаги офат. Унда ё омонлик қиргоғига чиқилади ёки мамот топилади. Шундай ташбиҳ борки, табиатни — султонга, офатни — душманга, бадани — мамлакатга, бўхрон кунини — ўлим жанги кунига топширилади, бу жангда душман қучлари ғолиб келса, бўхрон юз беради ва одамлар нобуд бўлади. Бўғдон — қаландарлар, гадоилар асбобини сақлайдиган буюм. Бозу — қувват ва истеъдод.

Бахтиёр ОМОН тайёрлади.

Фикримча, бадий асар асосида фильм яратилар экан, маълум ўзгаришлар бўлиши табиий. Асар ҳар қанча қизиқ ёки машҳур бўлмасин, яратилган фильмда режиссёр ўз "имзо"си бўлишини истайди ва буна астойдил ҳаракат қилади. Масалан, Пьер Паоло Пазолини "Шоҳ Эдип"ни экранлаштирар экан, асосий ғоя ва воқеалар занжирини бузмаган ҳолда фильмга замонавий Эдип образини киритади ва такрорланаётган кўҳна фожиани таъкидлайди (Пазолини олган "Шоҳ Эдип" ўзимизнинг Шуккур Бурҳонов ўйнаган Эдипдан фарқ қилса-да, бирини иккинчисидан устун қўбмаймиз. Чунки иккиси ҳам яхши ишланган, асар ғоясини тўла оқиб беришга ҳаракат қилинган. Албатта, бадий асарни тўлалигича кинога кўчиришнинг имкони йўқ — адабиёт кинодан анча юқори туришига киночиларда ҳам эътироз бўлмаса керак).

Баъзан режиссёрларнинг асар мазмун-мундариҳиси доирасидан у қадар чиқиб кетмаганини, ҳатто унчагина етиб боролмаганини ҳам кўриш мумкин. Камюнинг "Бегона", Маркеснинг "Ошкора қотиллик қиссаси" ёки Жойсининг "Улис" асарига асосланган фильмларда китобнинг сояси акс этган, ҳоло (ваҳоланки, улар устиде танкили режиссёрлар, актёрлар, ижодкорлар гуруҳи ишлаган). "Юл ва денгиз"нинг китоби бошқа, киноси бошқа. Китоби ўқиб, буюк кўндала, улуғ инсонга ошмо бўлган, кинода эса ўша буюклик жиннига осмондан ерга тушади, ёнингга, ҳатто сендан куйроққа ўрнашади. Инсоннинг энгилмаслигини ифодалаган буюк бахлиқ кинода кўндала ўзга ўтказилган қашшоқ ва боқиманда кимсага айланиб қолган (бола пиво, бахлик келтирганда унинг қилдирган "хушомад"ни эсланг).

Демак, режиссёрнинг олдида қийин вазифа туради: асарни тўла-тўқис томошанинга етказиб беролса — омади, акси бўлса шунчаки уриниш сифатида эътибордан четда қолади.

Хўш, улуғ адабимиз Абдулла Қодирий романи асосида суратга олинган "Ўткан кунлар" фильмида асар мазмун-моҳияти қанчалик тўғри ва тўқис очиб берилган?

"Ўткан кунлар" фильми бошидаёқ романдан фарқли жиҳатларга дуч келасиз. Мисол учун, роман воқеалари дала (январь)да, қиш кунларида бошланади. Асар тарихимизнинг энг кир, қора кунлари ҳақида. Буни ифодалаш учун ён атроф ҳам зимистон, кўнгилига у қадар ўтиришмайдиған шароитда бўлиши керак. Ўз навбатида шу зимистонда Отабек ўз севгисини топади ва кўнгилига баҳор келади. Шунда асарнинг муҳим зиддияти юзга келади. Фильмда эса иссиқ, кўшли бир кун. Отабек, Ҳомид, бир кўриниб қайта бўй кўрсатмайдиган Зиё шохчи узаро гурунлашиб боради. Бир қарашда Отабекнинг унча қатта ташвиши йўқдай — бегаму бедард, Ҳомид айтадиган "Азизбағча" деган тагга ўзига ярашмаган бир ҳолда писмиқларча қулиб қўяди. Кейинги саҳна эса бирданига тўғрига ўланиб кетади. Энди романда Отабек Ҳасаналидан яшириб чеккан оқ-воқларни, кейин у "маънавий отам" деб санайдигани — Ҳасанали Зиё шохчи билан совчиликка боргани, қўтидорнинг хотини раҳилига қараб кўндаларига хусусидаги лаҳзаларига эса олсак, китобнинг ўқимас, фильмининг кўрган одам кўп "сирлар"дан бебаҳра қилишимиз англаймиз.

Китобни ўқимаганлар яна шу нарсада ютказадигани, фильмида аник Отабек, аник Кумуш ҳавола этилади. Отабекни қанча мард, танти, юрт ва ёр ишқи билан ёнган юрак соҳибига сифатида тасаввур қилсанг, фильмида сал бунданроқ қаҳрамонни қабул қилишга мажбурсиз. Романда тасвирланиб, Отабек савдогарлик қилибди, Семипалатинск (Шай)гача борган, дунёқарашини кенг, давр сийәсатини, унинг оқибатларини таҳлил қила оладиган йигит (рус босқини ҳақида ҳам айнан у айтди). Бироқ фильм советлар даврида ишлангани учун бу фикрларни тасвирга кўчиришнинг имкони йўқ эди). Фильмда эса у лажб бир авхольда бўлди, агар унинг ўзи Худоберқон хузурида савдогар эканлигини айтмаганида, томошабин Отабекнинг жўшқинлик талаб этиладиган касб эгаси эканини зинҳор хаёлига келтирмайди.

Кумуш романда беғубор, маъсум ва эркак, ўрни келганда, қатъиятли тасвирланади, Отабекнинг соғинч тўла мактублари, уни деб одам ўлдирган Ҳомид, эрдан чиққан, дея "ном" ортириши билан-да, эшигидан совчи ари-

маслиги... Бироқ кинодаги Кумуш... Баъзан Габриэль Гарсиа Маркес "Юз йил танқоликда" асарини киночиларга бермай тўғри қилган экан, деган ўйга борасан киши. "Урсунга — менинг онам, уни қайсидир актриса қиёфасида кўришни хохламайман", деган экан адиб. Романда Кумушнинг ўн саккиз ёшда экани айтилади. Бироқ кинодаги Кумуш бу ёшдан анча илгариланган, нигоҳи ҳам фақат аёлларга бўладиган ички ҳовлидан ташқарига чиқмаган, ёт назарлардан авайлаб-асралган қўндин кўзлари эмас. Унинг онаси Офтобойим эса эллиқни уриб қўйган хотинга ўхшади. Аслида Офтобойимнинг ёши ўттиз бешда. Тўғри,

“ЎТКАН КУНЛАР”: РОМАН ВА ФИЛЬМ



эскининг одамлари бирмунча улуғроқ кўринган, дейиш ҳам мумкин. Бироқ Мирзакарим қўтидор хотинининг кўнгилига қараб, (Отабекнинг) кўнгили бўлиб қолиши ҳам Офтобойимнинг хоҳиши билан бўлганини унутмаслик керак), унинг инон-ихтиёрига қарши бормай, нима деса бажаришини ҳисобга оладиган бўлсак, у хотин киши қаритиб қўйилмайдиган хонадонда яшамайди. Аксинча, Офтобойим ёш ва хаётга неқбин қарайи керак. Фильмда Офтобойим қанча ўринда кўриниб бермасин, мезғала урадиган бир тарзда йиғлаб туради. Қолаверса, Отабекни Марғилонга тинимсиз қатнатган Кумушнинг онаси, фильмда Офтобойимдан биз тасаввур этган гўзал малаканинг туғилиши мумкин эмасдай туюлади.

Ёки Отабек қўтидор хонадонидан қайдалганда, унга жой берган уста Олим асарда ниҳоятда кўнгилидан кўринадди. Бошига бахт қўли қўнган чоғда, ёри бевақт вафот этиб, умиди буткул сўнганига қарамай одамларга мекр-муҳаббатини сақлаб қолган. Отабек ҳар гал келганда, ошга ўнаиди, ҳатто кўнгилисидеги аза бўлаётган чоғда ҳам (Кумушни ўғирлашга борганда, Отабек томонидан ўлдирилган Содиқ — ўша, сохта талоқ хатини келтириб берган қора хотиннинг ўгли) ош пиширишга киришиб кетади (шу ўринда Қодирий бобомиз ҳам сал ҳажонга берилиб кетгандай туюлади менга. Чунки ҳеч бир ўзбек, минг душман бўлсин, ён қўнгилисидеги аза бўлиб турганда, диомоларни қитқлаб, ўз уйда ош тайёрламайди). Фильмдаги уста Олим ҳам кўнгилидан, бироқ анча қари. Ҳолбуки, унинг ҳам ёши бир жойга бориб қолган эмас, "қирқ ёшлар чамали, қонсиз юзли, сийрақина соқоли" бир одам. Қаҳра-

монларнинг ёши асар моҳиятини очиб беришга у қадар кескин таъсир кўрсатмайди, бироқ қўрида айрилгандай, билиб турган нарсамиз фильмда қандайдир ўзгаришга учраса, қабул қилиш сал қийин кечади.

Айтилик, Кумуш романда биринчи марта тасвирланганда, қандай либосда бўлади? Совуқ ҳаво теғдириб, бош оғриги билан уйда ётган Кумуш (Отабекнинг арик бўйида учратилиши ҳам айнан шу бош оғригидан бошланади) эрка ва танқиз қиз қиёфасида намоён бўлади ва эғнида сарик атлас борлиги айтилади. Бироқ фильмда Кумушни биринчи марта фақат тўй муносабати билан кўрашимиз. Узоқ айриликдан сўнг Ўзбекистоннинг рухсати текаж, Тошкентта борганидай-чи? Ўшанда Кумушнинг эғнида қандай кийим бўлади? Фильмда актрисага ярашмаган ранг танланган, чамамда. Китобда эса Кумуш Тошкентта қора атласда боради — чунки Отабек унинг шу либосини яхши кўради. Аввало Отабек, шу орқали ўқувчи учун муҳимми, демак, муаллифлари ҳам бунга эътибор бериши керак эди. Фильмда Отабек дор остига бораркан, Мирзакарим қўтидорга "Кумушга аввал уч йигит совчи қўйган экан. Шу ростми?" деган саволини беради. Қўтидор бундай саволининг боисини сўраганда, "Кумушни биринчи марта кўргандаги рухсорини унутолмайман" деб жавоб беради. Бу сўбат гўё Отабек хаёлидан

йўқдай, биров зарб билан урилаётган товушни эшитмаётгандай. Бу зарбдан аслида қар одам ҳам уйғониб кетиши, хавфни англаши очик-ойдин қўндин туририди. Бироқ Кумуш кўнча ёндаш хонада бир ўзи ухлайди уйғонмайди.

Фильмда, юқорида айтганимиздек, Отабекнинг Ҳомидга айтар сўзи йўқ. Шерикларини тинчитиб, Ҳомидни ҳам осонгина маънавий дунёга равона қилади. Китобда кураш осон кечмагани, Содиқнинг ханжари бир-икки марта унинг орқасига келиб теккани, Ҳомид қўлини силтаб тортганида, ханжар унинг бош бармоғи орасини суякка етгунча шипириб кетгани ёзилади. Фильмда баттол Ҳомид осонгина жон таслим қиларкан, ўз даврининг эмас, анча йиллар кейинги сўкин-иш тарзи билан "Единг-ку, ахла" дейди, ҳоло. Кейин бирданига жон таслим қилади. Романда эса эртаси кўни унинг ўлим билан курашаётгани, биров оғиз сўз айталомаётганини Отабекка Ҳомиднинг жўшқини Раҳмат айтади. Хўш, нега? Барибир тирик қолмас экан, Ҳомиднинг ўлимини чўшиш адибга нима сабабдан керак эди? Чунки Ҳомид қийналиб ўлиши керак эди. Шунча қаразғўйлиги билан у осонгина ўлиб кетавергани мумкин эмасди.

Фильмининг кўриб, томошабинда ҳам савол туғилади: хўш, эсини таниганидан бўён савдогарлик қилиб, кўлаб масалаларга нозик дипломатия билан ёндашган Отабек қандай қилиб бирданига унга жиноятчини тинчита олди? Бунинг жавоби Отабекнинг Кумушга ёзиб қолдирган мактубида ошкор этилади.

Бундан ташқари, фильм кўпроқ Отабек ва Кумуш севгисидан, шу севги атомфидати моҳоратдан ҳикоя қилади. Тўғри, романда рус босқини арафасидаги ўзаро зиддиятлар, фитналар, қипчоқ кирғини, юрт оғаларининг манфаатпарастлиги, худбинлиги бошқа иллатлари ҳам қаламга олинадди. Тарихий воқеалар, масалан, Марғилоннинг тўқувчилик ҳўнарида Туркистоннинг биринчи шаҳри экани фильмда биров ўринда кўринмайди. Юртга солиқ солиб, икки-юзламанчилик қилган Азизбекнинг характерини очилади, бироқ унинг тақдири қандай экани тоғини томошабинга маъхумлигича қолди. Китобдан аёнки, халқини қадрламаган Азизбек отта оёғидан боғланиб, судратма қилинадди.

Китобда аник тарихий воқеалар келтирилгани боис кинода тарихий шихслар ҳам борича кўрсатилиши керак эди. Мисол учун, Отабек таъриф бергандай Муулмонот — "тулки", "сийсий ўйин"ларнинг бош ташкилотчиси. Бироқ фильмда у иккиозламачиликни дарҳол билдириб қўяди, чаруқ билан саройига тасофидан келиб қолган савдогар йигит — Отабек билан ади-бади айтишиб ўтиради. Яъни катта бир давлат бошида турган одамга хос қилиқлар қилмайди. Китобда қипчоқ кирғини ҳам алоҳида ургу берилади. Бу фильмида ҳам бор, бироқ қипчоқ кирғини қачон, нима муносабат билан юз берди, деган саволлар очик қолади.

Умуман олганда, "Ўткан кунлар" романининг фильмига қўлмаган қисмлари кўп. Балки бу ҳолат умумий мазмунга фақуллода таъсир этган деб бўлмас, бироқ уллардан унумли фойдаланиш асар моҳиятини янада очиниша, уни ўқувчи-томошабинга янада қўндалаштиришга хизмат қиларди. Бунга китоб асосида олинмаган галдаги фильмларда эътибор берилса, ажаб эмас. "Ўткан кунлар" янги талқинларга, янги ёндашувларга муносиб.

Фулоса шуки, "Ўткан кунлар"нинг фильмининг кўриб, китоби ҳам шундан иборат, деган хаёлга борадиган кишилар романини бир босдан ўқиб чиқиса, бундан фақат ютишади.

Бехоз ўКТАМ

СИРДАРЁДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КУНИ

Президентимиз кўрсатмаларига асосан ёшларнинг маданият ва санъат муассасаларида ташкил этилган турли йўналишларда бадий ҳаваскорлик тўғрақларида ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Маданият вазирилик томонидан Сирдарё вилояти ёшларининг маданият муассасаларида жалб амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўешлар — келажакимиз

ошириш механизми уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда вилоятдаги 15 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида 56 та турли йўналишларда янги қўшимча синфлар ташкил этилиб, 2018 йилга нисбатан ўқувчиларни жалб этиш ўн тўрт фоиз оширилиб, ўқувчилар сони 540 нафарга етказилди. Ўн битта маданият марказида ташкил этилган 95 та янги тўғрақа 1000 нафар ёш жалб қилинади. Иккинчи босқичда болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар етишмаслиги муаммоси ҳал этилиб, мактабларга Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур мусиқа қоғулари харид қилинади. Учинчи босқичда Консерватория, Санъат ва маданият институти, Миллий ракс ва хореография Олий мактаби, Тошкент ихтисослаштирилган маданият ва эстрада-цирк мактаблари, Консерватория ҳузуридаги иктидорли болалар академик лицейи, Глиэр номидаги ҳамда Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари, республика театрлари ва музейлари вилоят маданият санъат муассасаларида бириктирилиб, уларнинг масъулигида ҳар ойда "Сирдарёда маданият ва санъат кўни" ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу тадбирнинг дастлабки 12 март кўни Ўзбекистон Маданият вазирилик хамда Миллий Телерадиокомпания хамкорлигида Гулистон шаҳри ва Сирдарё туманида ўтказилди. Дастур бошланишида ёшлар Сирдарё вилояти тарихи ва маданияти

МҚҲОКАМАДА КИНО АСАРЛАРИ

Кўп йиллардан бўён суратга олинаётган фильмларнинг сифати, прокати ва бошқа ташкилий-ижодий ишлари мутахассислар ва мухлислар томонидан эътирозга сабаб бўлаётган "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолияти охириги бир-икки йил ичиде фаоллашиб қолди. Ўтган йили суратга олинган 23 та бадий фильмдан 12 таси хамда 24 та ҳужжатли фильм мухлислар эътиборига ҳавола этилгани бунинг далилидир. Шунингдек, унча фильм чет эл ижодкорлари билан хамкорликда суратга олингани, ўн нафар ёш ижодкор Хитойда малака ошириб қайтгани ва шу каби янгиликлар Агентлик фаолияти бир қадар кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Албатта, иш жараёнда камчиликлар бўлиши табиий. Жумладан, кинопрокат соҳасидаги камчиликлар энг оғрикли нукталардан бири бўлиб, бор-йўқи бешта кинотеатр давлат тасарруфида, 188 та хусусий секторга қарши кинотеатрдан атиги эллик еттитаси белгиланган фаолият бўйича йўриятлади. Шунингдек, мутахассислар олдида сценарийлар, соҳа мутахассислари, киношунослар фаолияти билан боғлиқ ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар туриди.

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда сўзга чиққан "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори Ф.Зокорев, бош директорининг биринчи ўринбосари Ш.Ризаев юқорида тилга олинган ютуқ ва камчиликлар ҳақида хамда галдаги вазифалар хусусида гапирдилар.

Анжуманда киношунослар — Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувачиси Ш.Эшонбобоева, санъатшунослик фанлари номзодрлари Ф.Файзиева, О.Вейсал ўғли, филология фанлари номзодрлари Р.Шарипов ўтган йили томошабинларга тақдим этилган бадий, бадий-публицистик, ҳужжатли, мультипликацион ва хусусий киносталлар фильмларининг бўйича маъруза қилдилар. Тадбир сўнгида таниқли киношунослар, ёзувчилар, кино соҳаси ходимлари соҳани ривожлантириш юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз ахборотимиз

Ислоҳот натижалари

Тошкент Миллий ракс ва хореография олий мактаби юртимиз миллий хамда классик ракс санъати ривожига муносиб ҳўсса қўлиб келаетган ўқув даргоҳидир. 1997 йили маэкур билим юрти ва Тошкент давлат маданият институти хореография кафедраси неғизида бугунги Олий мактаб ташкил этилди. Албатта, фақат ном эмас, иш жараёни, ҳажми, мазмунда хам катта ўзгаришлар бўлди. Бугунги кунга келиб ўқув даргоҳини кенгайтириш зарурати туғилди. Олий мактаб яқиндан берилган қўшимча бинода айни кунларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Миллий ракс ва хореография олий мактабиде амалга оширилаётган ишлар хамда галдаги вазифалар борасида ректор Шухрат Тўхтақсимов билан сўхбатладик.

— Олий ўқув юртимиздаги бугунги ўзгаришлар ҳақидаги фикримизни 2017 йил 3 август кўни Президентимизнинг ижодкор зейлилар вакиллари билан учрашувидан бошлашсақ, тўғри бўлади деб ўйлайман. — дея сўз бошлади олий мактаб раҳбари. — Ўша тарихий учрашуда санъат ва маданият соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар Юрт-бошимиз томонидан очик-ойдин тилга олинди, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилб берилганди. Айниқса, ижодий ташкилотлар билан "Дўстлар клублари"нинг ташкил этилиши, ҳомий-

ларнинг бириктирилиши катта иш бўлди. Масалан, биз билан "Дўстлар клуби" тузган "Ипотека банк" раҳбарияти ўтган давр мобайнида жуда катта ёрдан берди. Банк томонидан ажратилган бир миллиард сўм маблағ таълим сифатини ва мутахассислар тайёрлаш даражасини юксак савияга кўтариш йўлидаги ишларимизда муҳим аҳамият касб этди. Москва давлат хореография академияси, Санкт-Петербургдаги А.Важанова номидаги рус балет академияси билан тузилган шартнома асосида 2017-2018 ўқув йилларида бир неча педагогларимиз Москва академияси-

МАҚСАДИМИЗ — МИЛЛИЙ РУҲНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

да малака ошириб қайтди. 2018 йил сентябрь ойидан Москва ва Санкт-Петербургда икита бакалавримиз магистратурада ўқимоқда. Қувонарлиси шундаки, уларнинг ҳар иккиси хам имтиҳон топшириб, яхши натижаларни қўлга киритиб, талаба бўлишди.

— Шухрат ака, ўқитувчи ва талабаларнинг халқаро танловларда, анжуманларда хам Ўзбекистон шарофини муносиб ҳимоя қилаётганларидан хабардормиз...

— Шубҳасиз, бу бизга гурур бағишлайди. Утган йили Қозғистоннинг Остона шаҳрида Қозғистон Миллий хореография академияси биринчи

халқаро фестивални ўтказди. Дунёнинг қўлбал бале мактаблари қаторида биздан икита ўқитувчи ва икита ўқувчи қатнашди. Фестиваль доирасида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари бўлди, ўзаро таҳриба алмашдик. Сўнгни кўни булган гала концертда қизларимизни М.Турғунбоевнинг "Пилла" ва И.Оқилонинг "Помирча" рақсларини ижро этишга тақлиф қилишди. Халқимизнинг бу бетакфор мумтоз рақслари томошабинлар ва чет эллик хамкасбларимизни ҳайратга солди. Хитойлик таниқли профессор Сю Сухуа рақсларимизнинг нафис ва бойлигига, қизларимиз-

нинг маҳоратига тан берди. "Қўлаб шарқ рақсларини кўрганман. Лекин бундай бой ва чиройли рақсини энди кўришим. Сизларни, албатта, Хитойга қаҳраман", деганди у. Яқинда икки нафар ўзбек рақс педагогини Хитойда маҳорат дарслари ўтиш учун тақлиф қилган хат келди. Унда барча сарф-харажатлар ўзлари томонидан қўндални айтилди. Якунида ўтказилган халқаро ракс фестивалида қатнашди, талабамиз Феруза Саримсоқова ижросидаги "Тановар" ва "Лазги" рақслари хамгани ҳайратга солди.

— Бугун жамоа олдида қандай вазифалар турирди?



Бугун бизда замонавий ракс бўйича мутахассис етишмайди. Ҳозирча бакалавриятни битирган мутахассислардан фойдаланишга мажбуримиз. Бизда магистратура 2013 йили очилган. Ҳар йили олти талаба ўқишга қабул қилинади. Бу кўрсаткичи навбатдаги ўқув йилидан саккизга етказиш ниятимиз бор. Таҳрибали педагогларга ёш мутахассисларни устоз-шогирд принципи асосида бириктириб, жамоани яшатиришимиз керак.

Асосий мақсадимиз — Мукаррама Турғунбоева, Исхор Оқилон, Қўндуз Миркаримова каби ўзбек миллий рақси даргалари яратган мактаб анъаналарини авлодларга муносиб тарзда етказиш. Рақсда миллийликни, миллий меросни сақлаб қолиш йўлидаги ишларимиз бундан бўён ҳам мунтазам давом этади.

Г.УМАРОВА

